






МЧЖ “O’zERAЕ Climate Control” ҚК ва “DAILY-FOOD” МЧЖ ўртасидаги 2022-йил
07-майдаги №4-сонли шартномани келишув вароғи.

Шартнома мақсади	Ишчи ходимларни иссиқ овқат билан таъминлаш учун		
Шартнома суммаси	600 000 000 (олти юз миллион) сўм.		
Тўлов шarti	Бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб фактура тақдим этгандан сўнг		
Амалга қилиш муддати	31.10.2022й		
Шартнома тузиш учун масъул шахс	Ф.И.Ш.	Абдураимов Ф.С	Имзо 
Келишилди	Фикр		Имзо
Молиявий менежер			
Бош хисобчи			
Иқтисодий режалаштириш бўлими бошлиғи			
Хукуқшунос			

ШАРТНОМА №4

2022 йил «07» май

Андижон шаҳар

МЧЖ "O'z Erae Climate Control" қўшма корхонаси номидан Бош директори Ф.Р.Тураев келгусида (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилади бир томондан, ва "DAILY FOOD" МЧЖ директори Б.Мирзаев, (бундан буён матнда "Бажарувчи" иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидаги мазмунда туздилар.

1. Шартноманинг мазмуни

1.1. "Бажарувчи" сифатли амалдаги мавжуд андозалар, санитария-гигиена қоидалари талабларига жавоб берувчи иссиқ озик-овқатлар билан (келгусида «Иссиқ овқат деб юритилади), олдиндан келишиб олинган ва тасдиқланган рўйхатга асосан «Буюртмачи»нинг ишчи-ҳодимларини ёзма ёки оғзаки муурожаатномасида таъкидланган миқдорда ва муддатларда (дам олиш ва байрам кунларида ҳам) таъминлайди, «Буюртмачи» уларни қабул қилиб олади ва ҳақ тўлайди.

1.2 Зарарли ишлаб чиқаришда ишловчи ходимлар учун "Бажарувчи" томонидан сут ва сут маҳсулотлари етказиб берилишини ўз зиммасига олади.

2. «Иссиқ овқат» ни топшириш-қабул қилиш ва ҳисоб-китоб тартиби.

2.1. Ишчи-ҳодимларга ошхонада берилаётган «Иссиқ овқат» учун тўловлар ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси (рўйхат) орқали пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

2.2. Ошхона жиҳозлари билан таъминлаш ва электр энергияси учун тўловлар "Буюртмачи" томонидан амалга оширилади.

2.3. "Буюртмачи"га тегишли ошхона жиҳозлари ва ошхона биносидан фойдаланганлик учун ойлик ижара тўлови келишув баённомаси орқали белгиланади.

3. Шартноманинг қиймати

3.1. Шартноманинг умумий суммаси 600 000 000 (олти юз миллион) сўмни ташкил қилади

3.2. Овқат нархлари 2-3-4 иловага мувофиқ белгиланади.

3.3. Ўзбекистон Республикасида энг кам ойлик иш ҳақи миқдорларининг узғариши озиқ-овқат нархларини ўзғариши, ишлаб чиқаришдаги форс-мажор ҳолатлари муносабати билан тарафларнинг узаро келишувига асосан иссиқ овқат ва ижара тўловларига узгартиришлар киритилиши мумкин.

3.4. 1-иловага мувофиқ ошхона ижараси бажарувчи томонидан тўлаб берилади.

4. Томонларнинг мажбуриятлари:

4.1. «Бажарувчи» нинг мажбуриятлари:

- Гигиеник, санитария нормалари бажарилмаган, истъеомолга яроқсиз маҳсулотлар ишлатилганда, корхона ходимлари соғлигига зиён етказилганда. Ўз.Р. қонунчилигида назарда тутилган (мулкӣ, моддий, жиноӣ ва маъмурий жавобгарлик белгиланиши) огоҳлантирилади.

- Ошхона ишчи ходимлари маҳсус қийима хизмат кўрсатиши (оқ ҳалат, полителин қолқоп, маҳсус бош қийимда бўлиши) шарт.

- «иссиқ овқат»нинг сифати амалдаги мавжуд андозалар ва санитария-гигиена қоидалари талабларига мос равишда бўлишини;

- «иссиқ овқат»ни шартномада ва буюртмада белгиланган муддатда етказиб бериш;

- «иссиқ овқат» етказиб бериш муддатларида ўзгаришлар пайдо бўлганда, бу ҳақида «**Буюртмачи**»ни бир кун аввал хабардор қилиш.

- Хисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномасини хизмат кўрсатилган ойдан сўнг кейинги ойнинг 5-санасига қадар тақдим қилиш керак.

- Ошхонада ёнгин хавфсизлиги ва санитария талабларига тўлиқ риоя этиш;

- Буюртмачининг мулки бўлган асбоб-ускуналар ва инвентарларни яхши-соз ҳолатда сақлаш, шунингдек кичик таъмирларни амалга оширишга ва унинг айби билан етказилган зарарларни тuzатиш;

- Тайёрланган иссиқ овқат ва тушликдан кейинги енгил овқат (полдник) таомномада белгиланган ўлчов меёрлари асосида комиссия аъзолари томонидан текшириб назорат қилиб борилади.

4.2. «**Буюртмачи**» нинг мажбуриятлари:

- «Иссиқ овқат»ни ўз вақтида қабул қилиш;

- қабул қилиб олинган «иссиқ овқат» учун тўловни бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактурага асосан, хизмат кўрсатилган ойдан сўнг кейинги ойнинг 10 кунига қадар тўловни амалга ошириш;

- «Иссиқ овқат» олиш муддатларида ўзгаришлар пайдо бўлганда, бу тўғрисида «**Бажарувчи**»ни бир кун аввал хабардор қилиш.

5. Томонларнинг жавобгарлиги:

5.1. Томонлар мазкур шартнома талабларини тўлиқ ёки қисман ёхуд сифатли бажармасалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятинининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонун талаблари асосида жавобгар бўладилар.

5.2. Томонларнинг шартнома талабларини бажармаганлик учун жавобгарликка тортилиши томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

5.3. Хар ой якуни буйича «**Буюртмачи**» ўз ишчи ходимлари ўртасида овқат сифати юзасидан ёзма сўров ўтказди. Сўров натижалари буйича муттасил равишда икки ой давомида «**Бажарувчи**» томонидан кўрсатилаётган хизмат сифати қониқарсиз эканлиги аниқланса, ушбу ҳолат шартномани муддатидан олдин бекор қилишга олиб келади.

6. Шартноманинг амал қилиш муддати:

6.1. Шартнома 2022й 31.10 кунига қадар амал килади.

6.2. Шартнома томонлардан бирининг 10 кун олдин ёзма равишда берган огоҳлантириш хатига асосан муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

7. Форс-мажор:

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда (табiiй офатлар, оммавий тартибсизликлар ва бошқа ҳолатларда) ва ҳукумат қарорларнинг таъсири оқибатида шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликка тортилмайдилар.

8.Бошқа шартлар:

8.1. Ушбу шартнома ва унга оид бошқа низолар ўзаро келишиш йули билан хал этилади. Низоларни суд оркали хал этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

8.2. Мазкур шартнома 2 нусхадан тузилиб бир нусхаси «Буюртмачи»да бир нусхаси «Бажарувчи»да сақланади ва ҳар икки нусха бир хил юридик кучга эга.

БУЮРТМАЧИ

"O'z Erae Climate Control" МЧЖ КК
Манзил: Андижон шаҳар Бобуршоҳ кўча 73-уй
Хисоб ракам: 20214000904871270001
Банк: ДАТ "Асака банк" Андижон минтакавий филиали
МФО: 00069
ИНН: 301724521

БАЖАРУВЧИ

"DAILY FOOD" МЧЖ
Манзил: Андижон ш. 1-тор Айрилиш, 4-уй.
Хисоб ракам: 2020 8000 2010 0682 8001
Банк: "Ипак йўли банк" Андижон филиали
КОД: 01120
ИНН: 306100084

Бош директор:



Ф.Р.Тураев

Директор:



Б. Мирзаев

“КЕЛИШИЛДИ”
“DAILY-FOOD” МЧЖ
Директор

Б. Мирзаев

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“O'z Erae Climate Control” МЧЖ
Бош директори

Ф.Р.Тураев

ОШХОНА ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

№	Номи	Ўлч. бирлиги	Сони	Нархи (ККС билан)
1	Ошхона ижраси	ой	1	800 000 сум

2022й. 07 майдан кучга киради.

“КЕЛИШИЛДИ”
“DAILY-FOOD” МЧЖ
Директор



Б. Мирзаев



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“O'z Erae Climate Control” МЧЖ
Бош директори

Ф.Р.Тураев

ИССИҚ ОВҚАТ НАРХЛАРИНИНГ КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ.

№	Номи	Ўлч. бирлиги	Сони	Нархи ҚҚСсиз
1	1-иссиқ овқат	порция	0.5	15 500 сум
2	2-иссиқ овқат	порция	0.5	
3	Чой	гр	250	
4	Нон	гр	350	
5	Салат	гр	200	

2022й. 07 майдан кучга киради.

“КЕЛИШИЛДИ”
“DAILY-FOOD” МЧЖ
Директор



Б. Мирзаев

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“O'z Erae Climate Control” МЧЖ
Бош директори



Ф.Р.Тураев

**ТУШЛИКДАН КЕЙИНГИ ЕНГИЛ ТАМАДДИ (ПОЛДНИК) УЧУН КЕЛИШУВ
БАЁННОМАСИ.**

№	Номи	Ўлч. бирлиги	Сони	Нархи ҚҚСсиз
1	полдник	порция	1	4500 сум
2	Чой	гр	250	

2022й. 07 майдан кучга киради.

